

ЯЛТИРАГАН ҲАР НАРСА ОЛТИН ЁКИ ЗАР ЭМАС...

3-с.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ: НАЖОТМИ ЁКИ СИНОВ?

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№63 (2391)

2026 ЙИЛ 8 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Раисларга “Рақамли маҳалла” имкониятлари тушунтирилди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида республикадаги барча маҳалла раислари учун масофавий ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Семинар **“Рақамли маҳалла” платформасидан самарали фойдаланиш, платформага маълумотларни киритиш, назоратини юритиш ҳамда маҳалла фаолиятини рақамлаштириш** масалаларига бағишланди. Жараёнда маҳалла тизими ходимлари учун платформадан фойдаланишнинг амалий жиҳатлари, инфратузилма маълумотларини юритиш тартиблари, бандлик дастури ижросини мониторинг қилиш хусусида сўз юритилди.

Жумладан, электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик сув, йўл ва бошқа аниқланган муаммоларни платформада рўйхатга олиш, тегишлилиги бўйича ташкилот ва идораларга йўналтириш, ечимини ўз вақтида ижро қилиш чораларини кўриш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Шунингдек, **Маҳалла кенгаши қарорларини платформага киритиш ва ижросини назорат қилиш,** масофавий ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда электрон ҳисоботларни шакллантириш тартиби юзасидан Уюшма масъуллари батафсил маълумот беришди. Машғулотлар давомида иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида **амалий тавсиялар берилиб, савол-жавоб мунозаралари** ташкил этилди.

Семинар якунида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, муаммоларни манзилли ҳал этиш ҳамда ижро назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур ўқув-семинар маҳалла тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, иш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда ходимларнинг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.



ОБОДЛИК ИНСОН ФЕЪЛ-АТВОРИДА ҚАНДАЙ АКС ЭТАДИ?

НУҚТАИ НАЗАР

Маҳалла раиси сифатида ҳар куни юзлаб инсонлар билан мулоқот қиламан, ўнлаб хонадонлар ҳолатини кўраман. Айримларининг эшигини очсангиз, озодалик, файз ва тартиб кишини қувонтиради.

Лекин, афсуски, бошқа бир хонадонга кирсангиз, бутунлай тескари манзарага ҳам дуч келасиз. Чиқиндилар йиғилиб қолган, эътиборсизлик ва бепарволик... **Шунда ўз-ўзидан бир савол туғилади: биз ҳақиқатан ҳам ободликни тўғри тушуняпмизми?**

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган **“Маҳаллада ободлик ва хайр-саховат ойлиги”** ҳамда **“Долзарб 40 кун”** тадбирлари кўчаларни супуриш ёки дарахт экиш билан чекланмайди. Бу ташаббусларнинг энг асосий мақсади — одамларнинг яшаш маданиятини юксалтириш, ҳар бир хонадонда поклик, тартиб ва масъулият муҳитини қарор топтиришдир.

Назаримда, бугун ҳар бир маҳалла аҳли ўзидан бир саволни сўраши керак: **“Мен маҳалламнинг ободлиги учун нима қилдим?”** Агар ҳар ким жавобни бошқадан эмас, ўзидан изласа, юртимизнинг энг чекка маҳалласи ҳам ибрат маконига айланади.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КУЧАЙСА, ИШСИЗЛИК ҚИСҚАРАДИ, ДАРОМАД ОРТАДИ

Бугун маҳалла ҳудуд тараққиётини белгилайдиган, одамларнинг турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган, инфратузилма ва тадбиркорлик ташаббуслари шаклланадиган муҳим ижтимоий институтга айланди. Шу боис маҳаллаларни ривожлантиришга йўналтирилаётган ҳар бир сўм, аввало, инсон манфаатига хизмат қилаётган сармоядир.



Жорий йилнинг биринчи ярмида **Самарқанд вилояти маҳаллалари** ҳисобрақамларига солиқлар ҳисобидан **44 миллиард сўмдан зиёд** маблағ йўналтирилди. Энг муҳими, бу маблағлар маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга сарфланди. Натижада **45 та** маҳалла учун янги бино қурилди, **15 таси** реконструкция қилинди, **252 та** маҳалла бинолари таъмирланди.

Бу ўзгаришлар фақат бинолар билан чекланмади. **204 километр** саломатлик йўлаклари, **194 та** болалар майдончаси барпо қилингани, **482 та** йиғинда “Маҳалла кутубхонаси” фаолияти йўлга қўйилгани аҳолининг кундалик ҳаётини яхшилашга хизмат қилаётир.

Давоми 2-саҳифада.

5



НУРОНИЙЛАР ҚАДРЛАНГАН ЮРТДА МАЪНАВИЯТ ЮКСАЛАДИ

6



“ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН БАҲРАМАНД”

7



БАНКДАГИ ОМОНАТДАН ҲАМ СОЛИҚ ОЛИНАДИМИ?

8

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШДА “БУ МЕНИНГ ИШИМ ЭМАС”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙЎҚ



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Америка Қўшма Штатлари Президенти ДОНАЛЬД ТРАМП билан телефон орқали мулоқот қилди.



“Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисида”ги КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН қабул қилиниб, Сенатга юборилди.



Ўзбекистон илк бор 9-16 август кунлари ХАЛҚАРО ИНФОРМАТИКА ОЛИМПИАДАСИга мезбонлик қилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”



НУҚТАИ НАЗАР

ОБОДЛИК ИНСОН ФЕЪЛ-АТВОРИДА ҚАНДАЙ АКС ЭТАДИ?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Зулфия АҲАДОВА, Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтепа” маҳалласи раиси.

Кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлмасин, агар хонадонларда тозаликка эътибор бўлмаса, бу умумий муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, айрим хонадонларга кирсангиз, яшаш учун энг оддий санитария талаблари ҳам таъминланмаганига гувоҳ бўласиз. Идишлар кунлаб ювилмаган, чиқиндилар йиғилиб қолган, хона ҳавоси оғир, санитария қоидаларига риоя қилинмайди. Бундай шароитда нафақат шу оила, балки қўшнилар ҳам ноқулайликка дуч келади.

Бу ҳолатнинг яна бир сабаби бор. Бугун шаҳарларда ижара муносабатлари кескин ошган. Афсуски, баъзи ижарачилар **“бу уй менники эмас”, “эртага бошқа жойга кўчаман”,** деган қараш билан умумий мулкка ҳам, яшаб турган хонадонга ҳам етарлича эътибор қаратмаяпти. Бу — ижарада яшаш маданияти эмас, масъулиятдан қочишдир. **Аслида, ижарачи ҳам маҳалланинг бир бўлаги. Унинг ҳам ушбу ҳудуд олдида масъулияти бор. Қонун олдида ҳам, виждон олдида ҳам...**

Яна бир ҳақиқатни ҳам айтиш ўринли: айрим хонадон эгалари уйини ижарага бергач, унинг кейинги тақдири билан мутлақо қизиқмайди. **Ким яшаяпти? Қандай яшаяпти? Қўшниларга халақит бермаяптими? Санитария талабларига риоя қиляптими?** Бу саволларни беришга ҳам эҳтиёж сезмайди. Ваҳоланки, уйни ижарага бериш мулк ҳуқуқи бўлса, унинг оқибати учун масъулият ҳам бор.

Биз маҳалла раиси сифатида ҳар куни ҳашар уюштиришимиз, ҳар куни чиқиндини йиғишимиз, ҳар куни гул экишимиз мумкин. Лекин ҳар бир хонадон ичига кириб, тозалигини қилиб беролмаймиз. Ободликни ҳеч ким ташқаридан олиб келмайди. **У эшик олдидаги пойабзалдан бошланади. Ошхонадаги тартибдан бошланади. Чиқиндини ўз вақтида ташлашдан бошланади. Қўшнига ҳурматдан бошланади...**

Менимча, бу борада бир нечта амалий чораларни кучайтириш вақти келди.

Аввало, *кўп қаватли уйларда ижарачиларнинг маҳалла ҳаётига мослашувига эътибор бериш зарур. Янги кўчиб келган ҳар бир оилага маҳалладаги тартиб-қоидалар, санитария талаблари ва умумий мулкдан фойдаланиш маданияти тушунтирилиши керак.*

Иккинчидан, *бошқарув компаниялари, “маҳалла еттилиги” ва фаол аҳоли иштирокида ҳар бир кўп қаватли уй кесимида тозалик бўйича доимий жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.*

Учинчидан, *энг намунали йўлаклар, энг озода уйлар ва энг обод хонадонларни мунтазам рағбатлантириш лозим. Чунки яхши намуна кўпинча энг кучли тарғиботдир.*

Шу билан бирга, тозаликка мутлақо бепарво муносабатда бўлаётган хонадонлар билан профилактик ишлар олиб бориш, зарур ҳолларда амалдаги қонунчилик талаблари асосида чора қўллашдан ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Мен ҳар доим бир фикрни такрорлайман: маҳалла кўчасининг озодалиги эшик олдидан, хонадон остонасининг тозалиги эса уй ичидаги тартибдан бошланади. Биз доимо фарзандларимизга энг яхши таълимни беришни истаймиз. Улар хавфсиз ва шинам муҳитда улғайишини орзу қиламиз. Бунинг учун эса, аввало, ўзимиз намуна бўлишимиз лозим. Болалар супурилган ҳовлида, тоза йўлакда, озода хонадонда катта бўлса, тозаликни ҳаёт тарзи сифатида қабул қилади.

“Маҳаллада ободлик ва хайр-саховат ойлиги” ҳамда “Долзарб 40 кун” тадбирлари тугайди. Аммо ободликка бўлган муносабатимиз доимий фазилатга айланиши шарт, фитратимизда ободлик руҳи уйғоқ бўлиши зарур. Зеро, обод маҳалла — масъулиятли инсонлар, озода хонадонлар, покиза уйлар ва бир-бирига бефарқ бўлмаган қўшнилар яшайдиган муҳитдир.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ТАКЛИФЛАР ТИНГЛАНДИ, АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жойларда аҳоли вакиллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳамда ёшлар иштирокида очиқ мулоқотлар изчил давом этмоқда.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоевнинг **Сурхондарё вилояти**га ташрифи доирасида 200 нафардан ортиқ фаол йигит-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Учрашувда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълим, тадбиркорлик ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар, таклиф ва ғояларини эркин баён қилиб, уларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Хоразм вилояти Янгиариқ туманида ҳам Республика ишчи гуруҳи ҳамда масъул ташкилотлар вакиллари иштирокида ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди. Учрашув давомида билдирилган таклиф ва мурожаатларнинг бир қисми жойида ижобий ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганишни талаб этувчи масалалар тегишли ташкилотлар назоратига олинди.

Тошкент вилояти Янгийўл туманида бўлиб ўтган навбатдаги очиқ мулоқотда эса маҳаллалардаги долзарб масалалар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Хусусан, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ички йўллар ва уй-жойларни таъмирлаш, тунги ёритиш тизимини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ мурожаатлар тингланди. Ҳар бир мурожаат юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилиб, ижро муддатлари белгиланди. Айрим муаммолар эса мулоқот жараёнидаёқ ижобий ҳал этилиб, аҳоли розилигига эришилди.

ЖАРАЁН

Чорвачилик ривожига катта йўл

Аҳоли хонадонлари ва чорвачиликка ихтисослашган маҳаллалар қўллаб-қувватланади, хонадонларда чорва бош сони ва маҳсулдорлик ортади, аҳоли учун қўшимча даромад манбалари яратилади.



Маҳаллани ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналиши — **уни ихтисослаштиришдир.** Ҳар бир ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, ривожланиш модели шакллантирилди. Шу мақсадда имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва микролойиҳалар орқали минглаб хонадонлар қўллаб-қувватланди. Бу йил ҳудудда **130 та маҳаллани** чуқур ихтисослаштириш мақсад қилинган.

Йилнинг биринчи ярмида 2,3 минг хонадонга 39,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар, 460 та хонадонга 6 миллиард сўмлик ссуда ва субсидиялар ажратилди. Натижада 82 та маҳалла чуқур ихтисослаштирилди. 4,1 мингта микролойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 15 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 1 770 таси камбағал оилалар иштирокида ташкил этилди.

Бугунги тажриба бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаяпти: маҳаллада иқтисодий фаоллик кучайса, ижтимоий муаммолар камаяди. Ишсизлик қисқаради, аҳоли даромади ортади, инсонларда эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади. Самарқанд маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёевга чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдим этилган тақдимотда қайд этилди.

Бугунги кунда республикада 191 та туманда **2 407 та чорвачиликка ихтисослашган маҳалла мавжуд** бўлиб, уларда **823 мингта хонадон ва 3,9 миллион нафар аҳоли** истиқомат қилади. Тақдимотда ушбу хонадонларга арзон чорва моллари етказиб бериш, сигирларни сунъий уруғлантириш, ем-хашак таъминоти ва зооветеринария хизматларини яхшилаш, наслдор бузоқларни идентификация қилиш ҳамда улар учун субсидия ажратиш таклиф этилди.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида **20 сотих майдонда енгил конструкцияли** 11 мингта молхона қуриш ва уларда 421 минг бош қорамол парваришлаш режалаштирилган.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КУЧАЙСА, ИШСИЗЛИК ҚИСҚАРАДИ, ДАРОМАД ОРТАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Исроил ЖАББОРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастури бугун маҳаллалар тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Дастур доирасида танлаб олинган **650 та маҳалланинг** ҳар бирига ўртача **6,5-7 миллиард сўмдан** маблағ йўналтирилди. Бу жараёнда илгари “оғир” тоифага киритилган ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, Қўшработ ва Пахтачи туманлари маҳаллаларида инфратузилмани яхшилаш билан бирга, 197 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади, 1 155 та янги иш ўрни яратилиб, 1 500 нафардан зиёд аҳоли даромадлари оширилади.

Вилоятдаги “оғир” тоифадаги 103 та маҳалланинг ҳар бирига 3 миллиард сўмдан маблағ ажратилди ва бунинг ҳисобига 279 километр ички йўлларни таъмирлаш, 90 километр пиёдалар йўлаклари қурилиши, 623 километр электр тармоғи тортилиши бошланди. Бундан ташқари, 221 та трансформатор ўрнатилади, 86 километр ичимлик сув тармоғи тортилади.



Бу ёндашувнинг амалий намунасини **Каттақўрғон туманидаги чекка “Мойбулоқ” маҳалласи** мисолида ҳам кўриш мумкин. Илгари имкониятлари чекланган деб қаралган ҳудудда пистачилик лойиҳаси амалга оширилиб, 100 дан ортиқ деҳқон хўжалиги ташкил қилинади, 250 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланади. Писта дарахтлари ҳосилга киргунига қадар қатор орасида дуккакли ва полиз экинлари экилиб, бу орқали ҳар бир хонадонга йилига қўшимча 20-30 миллион сўмгача даромад олиш имконияти яратилади.

Энг муҳими, бу каби лойиҳалар одамларни ижтимоий ёрдамга қарам эмас, меҳнат орқали барқарор даромад топишга ундайди.



Ўзбекистонда сунъий интеллектга асосланган “SMART FERMER” РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАСИ ишга туширилади.



Ўзбекистонда июль ойида “ЭСКРОУ” ТИЗИМИ ОРҚАЛИ 34,3 мингдан ортиқ кўчмас мулк ҳамда автомобиль битимлари расмийлаштирилди.



Кадастр хизматлари “БИТТА АРИЗА — БИТТА ТЎЛОВ” ТАМОЙИЛИ асосида ташкил этилади.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА
ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ХАРИДОРЛАР ИШОНЧИ даромаддан кўра МУҲИМРОҚ

Маҳалламиз “драйвер”и — савдо ва хизмат кўрсатиш. Аҳоли, асосан, мева-сабзавотлар йиғиб, сотиш билан шуғулланади. Шунингдек, ўнлаб кичик ишлаб чиқариш ва оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда.

Муроджон МАДАЛИЕВ,
Тошлоқ туманидаги “Сўкчилик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



“Хонадонбай” ўрганишлар жараёнида бир ҳақиқатни чуқур англаб етдим. Деҳқончилик ва тадбиркорлик одамларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ташаббусга тўла, иштиёқмандлар кўп. Фақат уларга озроқ елка тутилса, катта марраларни забт этиши аниқ. Жараёнда вазифам — ҳудуднинг иқтисодий “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, ишлаш иштиёқи бор фуқароларга имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали кўмак беришдир.

Мана шу тарзда иш ташкил этиб, йил бошида рўйхатга олинган 48 та камбағал оилага кўмаклашдик. Мисол учун, ёлғиз она Муҳайё Усмоновага ссуда орқали пиширириш ускунаси олиб бердик. У ўзини ўзи банд қилди.

Тадбиркорларга берилаётган эътибор натижасини Абдумалик Асқаров фаолияти, босиб ўтган йўли, эришган натижаларида ҳам кўриш мумкин. Отамерос ҳунарни давом эттиришга 2001 йилда кириб келган бўлиб, оддий “брокерлик” билан шуғулланарди. Яъни маҳалладошларимиз дала ва боғларида етиштирган маҳсулотларни йиғиб, бошқа экспортёрларга етказиб берарди. Бу — кунлик тирикчилик ташвиши эди. Йиллар давомидаги тинимсиз ҳаракат ва ҳалоллик ортидан бугун ўзи ўша йирик экспортёрлар даражасига чиқди.

2024 йилда юртимизнинг етакчи тадбиркорлари сафида Президентимиз билан учрашиб, режаларини айтиб берди. Учрашув унга янги имкониятлар эшигини очди — тадбиркорга 50 гектар ер ажратилди. Шу тариқа йирик мулкдорга, чинакам ер эгасига айланди.

Эътиборлиси, унинг лойиҳаси атрофида бутун бир бандлик ва иқтисодий занжир шаклланди. Тадбиркорларимиз “Хорижий харидорлар ишончи даромаддан кўра муҳим”, деган қоидага амал қилган ҳолда сифатга урғу берди. Бугун уларнинг фаолияти ҳудуддаги иқтисодий кўрсаткичларни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Корхонада 30 нафар маҳалладошимиз доимий иш билан таъминланган. Энг асосийси, ҳосил йиғим-терими мавсумида 1 200 нафаргача аҳоли мавсумий меҳнатга жалб этилади. Бу маҳалламиздаги ишсизлик даражасини кескин камайтиришга хизмат қилмоқда.

МУЛОҲАЗА

ЯЛТИРАГАН ҲАР НАРСА ОЛТИН ЕКИ ЗАР ЭМАС...

...65 ёшли Муҳаббат ая анчадан бери қандли диабет билан курашади. Кунларнинг бирида у “Фитодиабетак” (Fitodiabetic) маҳсулоти рекламасини кўриб қолди. Машҳур санъаткорлар “қоним таркибидаги шакар 17 эди, 8 га тушди”, дея ишонтирарди. “Шундай машҳур санъаткор ёлғон гапирмаса керак”, деб ўйлаган ая шифокор буюрган дориларни бир четга суриб, бор пулига ушбу биологик фаол қўшимча (БФҚ)ни сотиб олди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, қондаги шакар миқдори кескин кўтарилиб кетди...



Бу тўқилган воқеа эмас, балки юзлаб ватандошларимиз бошидан кечираётган аччиқ ҳақиқат. Бугун таниқли актёрлар, хонандалар ва блогерларнинг турли БФҚлар, даволовчи чойлар ёки шифобахш маҳсулотлар рекламасида “нажоткор” қиёфасида намоён бўлиши одатий ҳолга айланди. Хўш, бу ҳолат қонунчиликка қанчалик тўғри келади?

— Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонунида БФҚлар рекламасига жуда қатъий талаблар қўйилган, ***— дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси масъул ходими Фарҳод Сулаймонов.*** *— Бироқ, кўпчилик ўйлаганидек, таниқли инсонларнинг рекламада чиқиши тақиқланмаган. Қонун машҳурларнинг шахсини эмас, балки улар реклама давомида айтадиган гаплари ва усулларини чеклайди.*

БФҚларни дори воситаси, деб кўрсатиш ёки улар даволаш хусусиятига эга (шифобахш) деган таассурот уйғотиш, инсонларнинг касалликдан тузалгани, аҳволи яхшиланган ҳақидаги мурожаатлари ёки тавсияларини киритиш, рекламада маҳсулотнинг “дорилардан устунлиги” ҳақида фикр билдириш, “Реклама қилинаётган маҳсулот дори воситаси эмас”, деган мажбурий огоҳлантириш матнини қолдирмаслик тақиқланади.

Ҳа, қонунда шундай ёзилган. Лекин машҳурлар иштирокидаги реклама роликларини кузатсангиз, у ерда ўзгача манзарани кўриш мумкин. Тавсия этувчилар “Шакарим фалон эди, пистонга тушди, шуни ичиб юрибман”, мазмунида гапиради. Қонунга кўра, БФҚлар рекламасида “аниқ шахсларнинг соғайиб кетгани ҳақидаги тавсиялари”ни ишлатиш мумкин эмас. Афсуски, аксарият инсонлар бу талабни ҳам бузишмоқда.

Реклама берувчиларга одамларнинг БФҚ ва дори воситасини ажрата олмаслиги ҳам қўл келяпти. Машҳур инсон маҳсулотни мақтаганда, уни жиддий шифобахш дори сифатида қабул қилмоқда. Роликларда “қон босимимни туширди”, “қанд миқдоримни меъёрлаштирди”, каби тиббий жумлалар ишлатилиши тўғридан-тўғри дори, деган маънони келтириб чиқаряпти. Ваҳоланки, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра, истеъмолчи маҳсулот ҳақида тўғри ва ишончли маълумот олиш ҳуқуқига эга. Агар бўрттирилиб кўрсатилса ёки чалғитилса, бу ёлғон (нотўғри) реклама ҳисобланади.



Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бундай ҳолатларни назоратга олиб, қонунбузар тадбиркорларга ва реклама агентликларига нисбатан таъсир чоралари қўлламоқда. Бироқ жарима миқдори рекламадан келадиган даромад олдида жуда кичик бўлгани учун сохта тадбиркорлар машҳурларни пул билан жалб қилишда давом этяпти. Шундай экан, бу каби алдовларга қарши курашишда янги усуллардан фойдаланиш, ҳатто, фаолиятини тугатишгача жазо чораларини қўллаш керак.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

АВГУСТ ПИЁЗИНИ ЭКИШДА нав танлаш нега муҳим?



Ёзнинг охирги ойи деҳқон ва томорқа эгалари учун куз-қиш мавсумига замин яратиш, келгуси йил баҳорнинг илк ҳосилини режалаштириш палласидир.

Муҳиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Кўпчилик бу вақтда **“ер дам олади”, деб ўйлайди, бироқ тажрибали соҳибкорлар август жазирамасида бўлажак тўқчилик ва барака пойдевори қўйилишини яхши билишади.** Айниқса, дастурхонимизнинг ажралмас қисми бўлган пиёзни августда тўғри экиш — эрта баҳордаёқ бозорни сифатли, витаминларга бой маҳсулот билан таъминлашнинг энг самарали йўлидир. Бироқ бу жараён оддий уруғ сепишдан иборат эмас, у аниқ муддатлар, меъёрлар ва юксак деҳқончилик маданиятини талаб этади.

Масалан, август ойида пиёзни 3 хил усулда экиш тавсия этилади.

Биринчиси, ***“кўчат усули”*** *бўлиб, бизнинг ҳудудларда уруғ сепиш 10 августдан бошлаб, 20 августгача давом этади. Бу муддатлардан эрта ёки кечиктириб экиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.*

“Септма усули”*да эса экиш 15 август — 10 сентябрь оралиғида давом этади. Шароитдан келиб чиқиб, бу муддат 7-10 кун олдинга ёки ортга сурилиши эҳтимоли бор. Бу усул учун 1 гектарга 8 килограммдан 16 килограммгача уруғ сарфи меъёр ҳисобланади.*

Ва ниҳоят, ***“нўш пиёз усули”****да уруғлар сентябрь, октябрь ва ноябрь ойлари давомида экилади. Кўпинча 1 гектар майдонга кўчат тайёрлаб олиш учун 6-8 килограмм уруғ сепилади.*

Пиёз уруғидан юқори унувчанлик олиш учун майдонни тўғри тақсимлаш зарур. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, **1 килограмм уруғ ҳисобига тўғри келадиган ер майдони энг камида 0,7 сотих, ўртача 1 сотих, энг кўпи билан 1,5 сотих бўлиши** керак.

Муваффақиятнинг асосий калити — шу муддатга мослаштирилган кузги навларни танлашдир. Акс ҳолда 90 фоиз ҳосил фақат “гулшох” чиқариб юборади.

Ҳудудимиздаги 7 та музлатгич омбори тўрт фаслда ҳам гавжум. Айни бир вақтнинг ўзида 540 тоннадан ортиқ мева ва сабзавотлар сифатли сақланиб, Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Россия бозорларига экспортга тайёрланмоқда.

Маҳалладаги бошқа деҳқон ва томорқа эгалари ҳам етиштирган маҳсулотларини узоққа овора бўлмай, шу ернинг ўзида кафолатланган нархларда сотмоқда. Бу эса ҳар бир хонадонга қўшимча барака ва барқарор даромад олиб киряпти.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўриндошликда МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛАДИМИ?

Аброрбек УМАРОВ.
Сирдарё тумани:

— Мен асосий иш жойимдан ташқари, ўриндошлик асосида ишга кирмоқчи эдим. Бу вазиятда ҳам иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиладими?

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади ва иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Асосий иш тўғрисида иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган ходим ўртасида ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида алоҳида меҳнат шартномаси имзоланади. Бу шаклда ишлаш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасида унинг тури аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, зарур ҳолларда ўзаро муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.





Ўзбекистон “АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҚОНУН” ИНДЕКСИДА 43 поғона кўтарилиб, 190 та мамлакат орасида 48-ўринни эгаллади.



Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар 2027 йилдан ВАУЧЕР АСОСИДА АССИСТИВ ҚУРИЛМАЛАР билан таъминланади.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-июнь ойларида жами 373 МИНГ 389 ТА ТИРИК ТУҒИЛИШ ҲОЛАТИ қайд этилди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Аёллар табассуми ТИНЧЛИГИМИЗ ТАМОЙИЛИ

Хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганимга саккиз ой бўлди. Бу вақт ичида маҳаллада ишлашнинг масъулияти жуда катта эканини янада чуқур англадим.

Юлдузхон СИДДИҚОВА, Боғдод туманидаги “Намуна” ва “Амиробод” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Илгари мактабда психолог бўлиб фаолият юритганман. Ўша ерда орттирган тажрибам бугун аёллар билан ишлашда, уларнинг дардини тинглаш ва муаммоларига ечим топишда жуда қўл келяпти. Аҳоли вакилларининг кўнглига йўл топиш, муаммоларига ечим излашда ҳар бирининг феъл-атворидан келиб чиқиб ёндашаман.

Ҳозирда иккита маҳаллага бириктирилганман. Албатта, бунинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Чунки ҳар бир хонадон билан алоҳида ишлаш, мурожаатларни ўрганиш ва натижага эришиш учун вақт талаб этилади. Шу боис ҳар бир хотин-қизлар фаолига биттадан маҳалла бириктирилса, ишлар янада самарали натижа берган бўлар эди.

Идорамизга, асосан, оилавий муносабатлар бўйича мурожаатлар келиб тушади. Яқинда ажрашиш ёқасига келиб қолган бир оила билан ишладик. Маълум бўлишича, аёл оғир касалликка чалингани муносабатларга салбий таъсир кўрсатган. Бундай ҳолатларда ҳуқуқий тушунтириш билан бирга, психологик қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.





Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Маҳалламизда Холида Мамажонова раҳбарлигида тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда аёллар миллий либослар, дастурхон ва кўрпа-тўшаклар тикиб, маҳсулотларини Қўқон ва Боғдод бозорларига етказиб беришади. Ушбу фаолиятга 15 нафарга яқин аёл касаначилик асосида жалб қилинган. Улар қилган меҳнатига яраша даромад олишмоқда. Бу, айниқса, ёш болали аёллар учун жуда қулай имкониятдир.

Аёллар саломатлиги ҳам доимий эътиборимизда. Улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гимнастика машғулотларига жалб этиш, тиббий марказларга йўналтириш ишларини мунтазам ташкил этяпмиз.

Оила мустаҳкамлиги тарбиядан бошланади. Ёш келинларга оилада қайнона-қайнота, турмуш ўртоғи ва бошқа яқинлар билан муносабат маданиятини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, турмушга чиқиш арафасидаги қизлар билан мақсадли машғулотлар ўтказишга эҳтиёж катта. Бу ишларга тажрибали педагог ва психологлар жалб этилса, самара янада юқори бўлади. Чунки қўплаб оилавий келишмовчиликлар бир-бирини тушунмаслик ва оиласини ўзгалар билан таққослашдан келиб чиқади.

Биз учун энг катта ютуқ — оилаларда тинчлик қарор топиши, аёлларнинг ишли бўлиши ёки муаммосига ечим топилишидир. Шу йўлда бор куч ва имкониятимизни ишга солишга тайёрмиз. Зеро, маҳалла тинчлиги ҳар бир хонадондан, ҳар бир аёлнинг бахтидан бошланади.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК НАМУНАСИ

Учқўрғон туманидаги Янгиер қишлоғида жойлашган “Гулхумор” кўп тармоқли фермер хўжалиги бугун самарали меҳнат ва ташаббускорлик намунасига айланган.



Оқилхон ДАДАБОЕВ, журналист.

“Дўстлик” ордени ва “Шуҳрат” медали соҳиби Гулхумор Тоғаева раҳбарлигидаги минг гектардан зиёд хўжаликда ғалла, пахта, интенсив боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, иссиқхона ва балиқчилик йўналишлари ривожлантирилмоқда. Шунингдек, хўжаликда тикувчилик ва нон ишлаб чиқариш цехлари ҳам ташкил этилган. Бу ерда 1 100 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилиб, қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланяпти.

Фермернинг асосий мақсади — етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, сифатини ошириш ва бозор талабига мос ҳолда тайёрлаш. Шу маънода Гулхумор Тоғаева фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш, ер ва сув ресурсларини оқилона ишлатиш , янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратади.

Меҳнатсевар фермернинг ҳаёт йўли кўплаб аёллар учун ибрат мактабидир. Чунки ерга меҳр, изланиш ва фидойилик уйғунлашган жойда, албатта, юксалиш бўлади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

“УДДАЛАЙМИЗ”, ДЕГАН СЎЗ УМИДАГА ДАЛДА БЎЛГАН

Тонг нафаси қишлоқ узра ёйилган, қуёш илк нурларини соча бошлаган пайтда Умида Эргашева одатдагидек иссиқхона томон йўл олади.



Атиги 4 сотих ер... Ким учундир оддий томорқа бўлиши мумкин бўлган бу майдон Умида ва унинг оиласига барака, даромад ҳамда келажакка ишонч манбаига айланган.

— Дастлаб бироз иккиланганмиз, ***— дейди Умида табассум билан.*** *— Ёш бўлганим учун иссиқхона юмушларини уддалай оламанми, деган хавотир бор эди. Аммо турмуш ўртоғим ва оила аъзоларимнинг “Биз биргамиз, албатта, уддалаймиз!”, деган далдаси менга куч бағишлади.*

Оиланинг аҳиллиги ва тинимсиз меҳнати тез орада ўз самарасини кўрсатди. Иссиқхонанинг 2 сотих майдонида етиштирилган помидор мўл ҳосил берди ва бозорга чиқарилган маҳсулот қисқа фурсатда харидорини топди. Бугунги кунда иссиқхонанинг қолган қисмида булғор қалампири парвариш қилинаётан бўлса, яна бир бурчагида цитрус дарахтлар барқ уриб ўсяпти.

Мавсум якунлари сарҳисоб қилинганда, оила 30 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрди.

Умиданинг ҳаёт йўли яна бир ҳақиқатни тасдиқлайди: катта муваффақият учун кенг ер майдони шарт эмас. Меҳнатсеварлик, қатъият ва оилавий ҳамжиҳатлик бўлса, атиги 4 сотих жой ҳам барака ва фаровонлик манбаига айланиши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МУШОҲАДА

ҲИМОЯ ОРДЕРИ: НАЖОТМИ ЁКИ СИНОВ?

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда оилавий зўравонлик билан боғлиқ хабарлар тез-тез учрамоқда. Афсуски, бу каби воқеалар нафақат жабрланувчилар, балки бутун жамиятни ўйлантириши керак.

Карши шаҳридаги “Чўлқувар” маҳалласида вақтинча яшаб келаётган эр-хотин ўртасидаги мунтазам келишмовчиликлар туфайли аёлга нисбатан ҳимоя ордери расмийлаштирилди ва хонадонига қўриқлаш тугмаси ўрнатилди. Мутасаддилар профилактик суҳбатлар ўтказганига қарамай, жорий йилнинг 26 июнь куни кечаси эр-хотин ўртасида яна жанжал келиб чиқди. Оқибатда эр турмуш ўртоғини калтаклаб, унга тан жароҳати етказди...

Шунга ўхшаш ҳолат Жомбой туманидаги “Эски Жомбой” маҳалласида ҳам кузатилди. Турмуш ўртоғининг тазйиқ ва зўравонлигига учраган аёл шифохонага ётқизилди, унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳолат юзасидан мутасадди ташкилотлар тегишли чораларни кўряпти...

Албатта, эр-хотин ўртасида қандай гап-сўз ўтганини ташқаридан туриб баҳолаш қийин. Бироқ ҳар қандай келишмовчиликни мушт билан эмас, мулоқот ва муроса орқали ҳал этиш мумкин. Ҳеч қандай маиший муаммо аёлга нисбатан қўпол муносабат ёки жисмоний зўравонликни оқламайди.

Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиб, ҳимоя ордери жорий этилди. Унинг асосий мақсади — жабрланувчининг хавфсизлигини зудлик билан таъминлаш ва такрорий зўравонликнинг олдини олишдир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қўплаб оғир жиноятлар аввал аҳамият берилмаган маиший можаролардан бошланган. Шу жиҳатдан ҳимоя ордери профилактиканинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бироқ танганинг иккинчи тарафи ҳам бор.

— Ҳимоя ордерининг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди, ***— дейди Жомбой туманидаги “Тут” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Баҳора Абдуқодирова.*** *— Лекин амалиётда айрим муаммоли ҳолатлар ҳам учрамоқда. Баъзан ордер расмийлаштирилгандан кейин оилани яраштириш ёки муаммони тинч йўл билан ҳал этиш имкониятлари чекланиб қолиши мумкин. Агар ҳар бир ҳолат чуқур ўрганилмаса, оддий маиший келишмовчилик ҳам жиддий низога айланиш эҳтимоли бор.*

Яна бир масала — фарзандлар тақдири. Ота-она ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиши болаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳуқуқий чоралар билан бирга, психологик ва ижтимоий кўмак ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда яна бир муаммо кўзга ташланади. Айрим ҳолларда ҳимоя ордери расмийлаштирилган бўлса-да, **унинг талаблари бажарилиши устидан назорат етарли даражада таъминланмайди.** Бу эса жабрланувчининг хавфсизлигига хавф туғдириши мумкин.

Мутахассислар фикрича, ҳимоя ордери тизимининг самарадорлигини ошириш учун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ички ишлар органлари, прокуратура, суд, маҳалла ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ҳар бир ордер ижросини мунтазам мониторинг қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ҳимоя ордери зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси бўлиб қолмоқда. Бироқ унинг ҳақиқий самараси ҳар бир мурожаатнинг адолатли ўрганилиши, қонун талабларининг қатъий ижро этилиши ва жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига боғлиқ. Ана шундагина ушбу тизим оилалардаги зўравонлик ҳолатларини камайтириш ва тинч, соғлом муҳитни таъминлашга хизмат қилади.





Фаолнинг таъкидлашича, айрим ҳолларда ҳимоя ордеридан шахсий манфаат ёки босим воситаси сифатида фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилади. Бундай ҳолатлар оммавий тус олмаган бўлсада, ҳар бир мурожаат далиллар асосида, холисона кўриб чиқилиши муҳим.



2018 йилга қадар НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН ЖАРИМА ҚЎЛЛАМАСЛИК таклиф қилинди.



2026/27 ўқув йили учун 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган “ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ”ни ҳудудларга етказиш бошланди.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-июнь ойларида турли русумлардаги 235 МИНГ 794 ДОНА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ ишлаб чиқарилди.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

100 ҚУТИ АСАЛАРИДАН 140 МИЛЛИОН СЎМ СОФ ФОЙДА...



Сарлавҳадаги миқдор, бу — 19 ёшли Сарвар Андақуловнинг атиги беш ойда топадиган даромади. Бу рақамларни эшитган одам аввалига ишонмаслиги мумкин. Аммо унинг бугунги натижаси бир кунда пайдо бўлган эмас. Ҳар бир қути асалари ортида йиллар давомида йиғилган меҳнат, сабр ва болаликдан бошланган орзу ётибди.

Улуғбек ЭРГАШЕВ,
Хатирчи туманидаги “Боғчакалон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Сарвар 5-синфда ўқиб юрган пайтлари асаларига қаттиқ қизиқиб қолади. Буни сезган бобоси унга икки қути асалари совға қилади. Балки ўшанда ҳеч ким бу икки қути асалари бир куни катта хўжаликка айланишини хаёлига ҳам келтирмагандир. Ёзги таътилларини ўйин-кулгу билан эмас, қишлоқдаги тажрибали асаларичиларнинг ёнида ўтказди. Биридан она арини алмаштиришни ўрганди, бошқасидан қишга тайёрлаш сирларини. Ҳар мавсум у учун янги мактаб, ҳар уста эса навбатдаги устоз бўлди.

Бугун эса унинг асаларилари 100 қутига етган. Ҳар бир қутидан ўртача 20 килограммдан, жами 2 тонна бол олади. Болнинг ҳар килограммини 80 минг сўмдан сотади. Мавсум давомида тушадиган тушум 160 миллион сўмга яқинлашади. Шунинг қарийб 20 миллион сўмини асаларилар парвариши, озуқаси ва бошқа харажатларга сарфлайди. Ҳисоб-китоб қилинганда, бир мавсумда 140 миллион сўм атрофида соф даромад қолади.

Бу йил ёғингарчилик сероб келди. Табиат гулу гиёҳга бурканди. Асалари учун бундан яхши шароит бўлмайди. Мавсум, асосан, майдан сентябргача давом этади. Яқинда биринчи ҳосилни олди. Сентябргача яна беш марта ҳосил олиш режаси бор. Ёшлар етакчиси сифатида бундай йигитларнинг меҳнати менга алоҳида куч беради. Чунки уларнинг ҳаётида бир нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қиламан: ёшларга имконият бермоқ керак, холос. Имконият бўлса, у ўз йўлини ўзи топади.

Маҳалламизда бунинг яна бир ёрқин мисоли — Нурбек Латипов. У бир неча йил аввал иш излаб юрган оддий ёшлардан бири эди. Бироқ имтиёзли кредитдан унумли фойдаланиб, ўз тадбиркорлигини бошлади. Дастлаб кичик устахонада замонавий тўқима стол-стуллар ишлаб чиқара бошлади. Маҳсулотларининг сифати ва дизайни харидорларга маъқул келди. Буюртмалар кўпайди. Нурбек эса ёлғиз ишлаш ўрнига ўз тенгдошларини ҳам ёнига чорлади. Бугун унинг кичик корхонасида бир нечта ёш доимий иш билан таъминланган. Тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат туманда, балки Навоий ва Самарқандгача етказиб берилмоқда.

Биз маҳаллада ҳар бир ёшнинг қизиқишига қараб ишлаймиз. Кимдир асаларичиликка қизиқади, яна бири ҳунармандчиликка, бошқаси хизмат кўрсатиш ёки тадбиркорликка. Уларга имтиёзли кредитлар, касб-ҳунар ўқувлари, бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлаш имкониятлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Энг муҳими, ёшлар ўз кучи ва қобилиятига ишониши керак.

Сарвар ҳам, Нурбек ҳам бир пайтлар орзу билан юрган оддий йигитлар эди. Бугун эса уларнинг меҳнати бошқа ёшларга ҳам намуна бўлмоқда. Мен учун энг катта ютуқ ҳам шу — маҳалламизда ёшлар ўз меҳнати билан бошқаларга иш ўрни яратаётганини кўришдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

КЎҲНА ШОШ ЖИЛОЛАРИ

НУРОНИЙЛАР ҚАДРЛАНГАН ЮРТДА МАЪНАВИЯТ ЮКСАЛАДИ



Маҳалланинг файзи ҳам, баракаси ҳам кўп жиҳатдан нуронийлар дуоси ва уларнинг ҳаётий тажрибасига таянади. Бугун кекса авлод вакилларининг фақат ижтимоий ҳимоясини таъминлаш эмас, балки уларнинг жамоатчилик ҳаётидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш, мазмунли дам олиши ва маърифий саёҳатлар орқали ҳордиқ чиқаришига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Қуддус АСҚАРОВ,
“Нуроний” жамғармаси Ургут тумани бўлинмаси раиси.
Матлаб ҲАСАНОВ,
фахрий журналист, I даражали меҳнат фахрийси.

Нуронийлар — маҳалланинг тирик тарихи. Улар босиб ўтган ҳаёт йўли, кўрган-кечирганлари ва ҳаётий хулосалари ҳар қандай китобдан қимматли бўлиши мумкин. Агар ана шу бой тажриба зиёрат сафарлари билан уйғунлашса, унинг тарбиявий таъсири янада кучаяди. Чунки зиёратдан қайтган нуроний фақат кўрган жойини эмас, балки у ердан олган маънавий сабоғини ҳам маҳалла аҳли билан бўлишади.

Давлатимиз раҳбарининг **“2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони** ижроси доирасида **Ургут тумани маҳаллаларидан олтмиш нафардан зиёд фаол нуронийнинг Тошкент шаҳрига икки кунлик маърифий саёҳати** ҳам юртимизда инсон қадрини улуғлаш, нуронийларга эҳтиром ва эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.





“Ўроқбойжар” маҳалласи меҳнат фахрийси, гуруҳ раҳбари Шуҳрат Аҳмедов ҳам саёҳатдан олган таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Мен талабалик йилларимда Тошкентда ўқиганман. Бугунги пойтахтимизни кўриб, уни таниб бўлмайди. Замонавий бинолар, кенг ва озода хиёбонлар, обод масканлар Янги Ўзбекистоннинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён этади. Айниқса, Ислом цивилизацияси маркази юртимизнинг маънавий юксалиши, тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш рамзига айланган. Бундай саёҳатлар инсонга нафақат ҳордиқ бағишлайди, балки Ватан билан фахрланиш туйғусини янада кучайтиради.

“Совғон” маҳалласидан собиқ тарих ўқитувчиси Мелихуррам бобо эса саёҳатдан олган руҳий кучини шундай ифода этади:

— Амир Темур, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аждодларимиз мероси билан яна бир бор юзма-юз келдик. Уларнинг илм-фан ва цивилизация ривожига қўшган ҳиссаси билан яқиндан танишар эканмиз, қалбимизда беқиёс ифтихор туйғуси уйғонди. Бугун мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётгани ана шу буюк мероснинг мантиқий давомидир. Ишонамизки, эртанги кунда ҳам юртимиздан дунё илм-фани ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, аждодларимизга муносиб ворис бўладиган истеъдодли фарзандлар етишиб чиқади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Ургут туман ҳокимлиги ҳамда “Нуроний” жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу саёҳат иштирокчилар қалбида унутилмас хотираларга айланди. Бу каби маърифий саёҳатлар нуронийларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши билан чекланмай, уларнинг маънавий дунёси ва ижтимоий фаоллигини янада бойитишга хизмат қилади. Энг муҳими, Ватан тарихи ва бугунги тараққиётни ўз кўзи билан кўрган отахону онахонлар маҳаллаларга қайтгач, ёшлар тарбиясида ана шу таассуротларни ҳаётий сабоқ сифатида етказаётгани бундай ташаббуснинг аҳамиятини янада оширади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КЕЧКИ ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕКОР БЎЛАДИМИ?

Манзура САЙФУЛЛАЕВА. Андижон вилояти:

— Давлат ОТМлари бўйича танлов натижалари эълон қилинди. Мен ҳужжат топширишда кундузги ва кечки таълим шаклларини танлагандим. Айтинг-чи, кечги таълим шаклида ҳам давлат гранти мавжудми?

Элмурод БОЗОРОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз кундузги ва кечки таълим шаклларини биргаликда танлаган бўлсангиз ҳамда “Давлат гранти” устуворлигини белгилаган бўлсангиз, танлов белгиланган тартиб асосида кетма-кет амалга оширилади. Бунда давлат гранти ажратилган кундузги таълим шакли, аввало, грант бўйича кўриб чиқилади. Кечки ва масофавий таълим шакллари учун эса давлат гранти квотаси ажратилмагани сабабли уларда фақат тўлов-шартнома асосида танлов ўтказилади.

Шу боис кечки ёки масофавий таълим шаклини танлаганингиз “Давлат гранти” устуворлигини бекор қилмайди. Фақат ушбу



таълим шаклларига навбат келганда грант босқичи ўтказиб юборилади ва сизнинг баллингиз тўлов-шартнома бўйича баҳоланади.

Саёҳат муқаддас Зангиота зиёратгоҳидан бошланди. Азиз-авлиёлар қадамжосида қилинган дуолар, адо этилган ибодатлар иштирокчиларнинг қалбига алоҳида файз бағишлади. Занги ота ва Анбар отин мақбараларини зиёрат қилган нуронийлар бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги учун дуо қилдилар.

Шундан сўнг саёҳатчилар пойтахтнинг диққатга сазовор масканлари — **“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда Оқсарой мажмуаси** билан танишди. Мустақиллик йилларида Тошкентнинг мутлақо янги қиёфа касб этгани ҳар бир иштирокчини ҳайратга солди.

Саёҳатнинг энг унутилмас манзили — **Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида қад ростлаган Ислом цивилизацияси маркази** бўлди.

Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура уйғунлигида бунёд этилган муҳташам иншоот нафақат ўзининг салобати, балки мазмун-моҳияти билан ҳам барчани мафтун этди. Гидлар ҳамроҳлигида марказ экспозициялари билан танишган нуронийлар ноёб қўлёзмалар, қадимий осори-атиқалар, ҳужжатли фильмлар ва фотокўргазмалар орқали халқимизнинг кўп минг йиллик маънавий ва маданий тараққиёти ҳақида янада бой тасаввурга эга бўлди.

Экспозицияларда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон илм-фани ва тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ёрқин акс этган. Бу манзаралар ҳар бир иштирокчи қалбида чексиз ифтихор ва ғурур туйғуларини уйғотди.





*— Ислом цивилизацияси марказидан бир олам таассурот билан қайтдим, **— дейди “Торинжак” маҳалласидан Хўжамқул ҳожи Зокиров.** — Бу ердаги ҳар бир экспонат, ҳар бир қўлёзма, ҳар бир тарихий ҳужжат аждодларимизнинг нақадар юксак илм-маърифат соҳиблари бўлганини намоён этади. Асрлар оша бизга етиб келган бу бебаҳо мерос инсон қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини янада мустаҳкамлайди. Бу ердан фақат тарих ҳақида билим эмас, балки аждодларга муносиб авлод бўлиш, маҳалладаги ҳар бир йигит-қизни ана шу руҳда тарбиялаш масъулиятини ҳам ҳис этиб қайтдик.*



Ногиронлиги бўлган абитуриентларга КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДА ҚЎШИМЧА ВАҚТ берилади.



Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим, ижтимоий ёрдам ва хизматларга жалб этиш бўйича "ОИЛАБАЙ" ИШЛАШ ТИЗИМИ жорий этилади.



18 ёшгача бўлган болаларни давлат таълим муассасаларига йўналтиришни "ИНСОН" ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗЛАРИ амалга оширилади.

"МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!"

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

"ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН БАҲРАМАНД"

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



Жамиятнинг ижтимоий қиёфаси, энг аввало, унинг аҳоли эҳтиёжманд қатламларига кўрсатаётган эътибори, меҳри ва ғамхўрлиги билан ўлчанади. Шу маънода бугунги кунда "маҳаллабай" ишлаш тизими орқали ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро давлатнинг доимий ижтимоий ҳимоясидан баҳраманд бўляпти.

Дилдора КЕНЖАЕВА, Амударё туманидаги "Юқори қишлоқ" маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда жами 624 та хонадон бўлиб, уларда 763 та оила ва 2 438 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу рақамлар ортида шунча инсон тақдири, орзу-умидлари ва, албатта, турли хил ижтимоий эҳтиёжлари бор. Ижтимоий ходимнинг зиммасидаги масъулият кўлами нақадар кенг ва мураккаб эканини шундан ҳам англаш мумкин.

Бугунги кунда аҳолининг 12 тоифаси билан мунтазам ва тизимли равишда ишлаб келяпмиз. Ҳар бир тоифанинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари ва зудлик билан ечим талаб қиладиган ҳаётий масалалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаяпти. Мисол учун, ҳудудимиздаги 1 нафар ўзгалар парваришига муҳтож кишига ижтимоий ассистент мунтазам равишда кундалик юмушларида ёрдамлашиб, турмушда зарур бўлган хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш жараёни ҳам доимий назоратга олинган. Маҳалладаги 77 нафар имконияти чекланган фуқаронинг ҳар бирига алоҳида ёндашув асосида зарур ижтимоий ёрдамлар ўз вақтида кўрсатилмоқда.

Моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар ҳолати ҳам кундалик кузатув ва эътибор марказимизда. Ҳозирги кунда Ижтимоий реестрга ҳудуддаги 59 та оила киритилган. Уларнинг 10 таси тўлиқ давлат таъминотидаги оила, 39 таси камбағал ҳамда 10 таси камбағаллик чегарасидаги оиладир. Берилаётган мақсадли кўмак уларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва қийинчиликларни енгиб ўтишига хизмат қилаётир.

> **Фаолиятимизда васийлик ва ҳомийликка олинган болалар тақдири ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ота-онаси хорижга кетгани боис маҳалладаги 22 нафар болага васийлик ҳамда ҳомийлик тайинланган. Меҳр ва эътиборга муҳтож бўлган бу гўдаклар қаровсиз ва назоратсиз қолмаслиги учун уларнинг яшаш ҳолати мунтазам равишда, ҳар чоракда мониторинг қилиб келинмоқда.**

Бундай манзилли ва ҳаётий ижтимоий ҳимоя тадбирлари инсон қадрини улуғлашдек эзгу мақсадга хизмат қиляпти. "Еттилик" ходимларининг масъулиятли ва сермаҳсул фаолияти туфайли эса ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир оила давлат эътиборидан четда қолмайди.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ангор туманидаги 68 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олинган ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандлари учун индивидуал ривожланиш ва мослашиш режалари асосида бешта йўналиш бўйича ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

"МЕҲР ДАФТАРИ": тақдирларга дахлдор ғамхўрлик



Маржон ТОШМУРОДОВА, журналист.

Жумладан, 26 нафар ёшнинг ҳайдовчилик курслари ва имтиҳон топшириш харажатлари қопланди. Олти нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур меҳнат қуроллари тақдим этилди. Беш нафар абитуриентнинг олий таълим муассасаларига кириш учун тайёргарлик харажатлари, бир нафар талабанинг шартнома тўлови молиялаштирилди.

Шунингдек, эҳтиёжманд болалар спорт ва мусиқа анжомлари, кийим-бош, уй-рўзғор жиҳозлари билан таъминланди ҳамда сафарбарлик чақируви резерви хизматига оид тўловлар қопланди. Икки нафар ёшга уй-жойини жиҳозлаш учун ваучер ажратилиб, бир нафар боланинг даволаниш харажатлари тўлиқ қоплаб берилди.

Бундан ташқари, тумандаги иккита оилавий болалар уйини таъмирлаш мақсадида 64 миллион сўмлик қурилиш материаллари етказиб берилди.

Натижада Ангор туманида "Меҳр дафтари" доирасида жами 399 миллион сўмдан зиёд ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Амалга оширилаётган ушбу чора-тадбирлар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, соғлиғини мустаҳкамлаши ҳамда жамиятга муваффақиятли мослашувини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Саҳифани "Mahalla" мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...



БОШПАНАСИЗ ШАХСЛАР ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ?

Мустаҳкам жамият барпо этишнинг асосий қоидаларидан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига муносиб кўмак кўрсатишдир. Айниқса, мазкур қатламнинг энг долзарб саналадиган бошпана муаммосига ечим бериш узоқ кутилган янгилик эди.

Шербек ИСЛОМОВ, журналист.

Шу мақсадда **"Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент қарори** қабул қилинди. Қарорга кўра, ички ишлар органларининг Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари **Вақтинчалик бошпана ва ижтимоий тикланиш марказлари** деб қайта номланди. Бошпанасиз шахсларни Ижтимоий марказларга суд қарори асосида жойлаштириш амалиёти бекор қилинади.

2026 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ижтимоий марказларга бошпанасиз шахслар уларнинг розилиги билан жойлаштирилади. Шу орқали улар вақтинчалик бошпана, озиқ-овқат ва шахсий гигиена воситалари билан таъминланади.

2026 йил 1 октябрдан Ижтимоий марказларга жойлаштирилган бошпанасиз шахслар ишсиз, деб эътироф этилади ҳамда уларни касбга ўқитиш бўйича туман *(шаҳар)* камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари орқали ваучерлар ажратилади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бугунги кунда одам савдоси инсоният олдидаги энг хавфли трансмиллий жиноятлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. У инсоннинг эркинлиги, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини поймол қилиб, ноқонуний мақсадлар қурбонига айлантиради. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий онги ва огоҳлигини ошириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.



ОДАМ САВДОСИ: ГЛОБАЛ МУАММОНИНГ МИЛЛИЙ ЕЧИМИ

Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.

Юртимизда кейинги йилларда мазкур соҳада изчил ҳуқуқий сиёсат амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 августдаги **"Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларни жамиятга интеграция қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармони бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди.

Фармонга кўра, "Инсон" маркази ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги одам савдосидан жабрланган шахсларга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган муассасаларга, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларга одам савдосидан жабрланган шахсларни **дастлабки идентификация қилиш ваколати берилади.**

Дастлабки идентификация натижасида шахсга одам савдосидан жабрланган, деб тахмин қилинаётган шахс мақоми бир ойгача, якуний идентификация қилиш натижасида бериладиган одам савдосидан жабрланган, деб тан олинган шахс мақоми эса **кўпи билан 1 йилгача бўлган муддатга** берилади.

2026 йил 1 сентябрдан агентликнинг "11-46" қисқа рақамли Ишонч телефони орқали одам савдосидан жабрланган шахсларнинг мурожаатларини Ўзбекистон ҳудудида қабул қилиш, уларга **ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ҳамда бошқа масалаларда маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш** хизматлари кўрсатилади.

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасаларида одам савдосидан жабрланганлик ҳолати бўйича мурожаатларни қабул қилиш, уларга **ижтимоий, психологик, ҳуқуқий, моддий** ҳамда бошқа масалаларда маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш хизматлари кўрсатиладиган **Ишонч телефонлари** фаолияти йўлга қўйилади.

Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти ва "Самарқанд" халқаро аэропортларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилган ҳолда **Миграция маслаҳат бюролари** ташкил этилади.

Фармонга кўра, одам савдосидан жабрланган эркаклар, чет эл фуқаролари ва махсус дастурлар асосида Ўзбекистонга олиб келинган репатриантлар **Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказига** қабул қилинади.

Одам савдосидан жабрланган, деб тахмин қилинаётган шахслар — **1 ой давомида,** одам савдосидан жабрланган, деб тан олинган шахслар эса **кўпи билан 6 ой давомида** ихтисослашган марказ ёки ихтисослашган ҳудудий марказлар хизматидан фойдаланади. Уларнинг келиб-кетиши билан боғлиқ транспорт харажатлари тегишли марказнинг тавсиясига асосан, **"Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари** ҳисобидан қоплаб берилади:

Фармон таҳлили шуни кўрсатадики, унда биринчи марта реинтеграция мустақил ҳуқуқий институт сифатида шакллантирилмоқда. Илгари одам савдосидан жабрланган шахсга вақтинчалик бошпана бериш ёки ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асосий вазифа сифатида қаралган бўлса, эндиликда инсонни тўлиқ ҳаётга қайтариш давлат сиёсатининг устувор мақсади сифатида белгиланяпти.

Реинтеграция тушунчасининг мазмуни жуда кенг. Бу инсонни хавфсиз ерга жойлаштириш билан тугамайди. Унинг психологик ҳолатини тиклаш, соғлиғини яхшилаш, ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилиш, касб-ҳунарга ўқитиш, меҳнат бозорига чиқариш, доимий даромад манбаи яратиш ва энг муҳими, жамиятда ўз ўрнини қайта топиши учун барча шароитларни таъминлашни назарда тутади.

Ҳуқуқий давлатнинг кучини қабул қилинган қонунлар сони белгиламайди. Унинг ҳақиқий қудрати ана шу ҳужжатлар орқали қанча инсоннинг ҳаёти ўзгарганида намоён бўлади. Мазкур Фармон айнан шу нуқтаи назардан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва инсон қадрини энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлашга хизмат қиладиган стратегик ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.



Янги қонунга кўра, пулли автомобиль йўлларида ҳаракатланиш учун ЙЎЛ ТАЛОНИ СОТИБ ОЛИНАДИ.



Ўзбекистонда банклар ва микромолия ташкилотлари энди ўз фаолиятини ИСЛОМИЙ БАНК ФАОЛИЯТИГА ЎЗГАРТИРИШИ мумкин.



Ўзбекистонда хусусий таълим соҳасида СЕРТИФИКАТЛАШ ВА ЯГОНА ҚОИДАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ таклиф қилинди.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



Имтиёздан бехабарлик

ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИККА САБАБ БЎЛГАНДИ...

Одамлар кўпинча солиқ қонунчилигини билмаганидан азият чекади. Қонунда берилган имкониятни билмаса, тадбиркор ортиқча харажат қилади, ишини оғирлаштиради, кейин эса муаммонинг сабабини солиқлардан излайди. Аслида, барча масаланинг ечими аллақачон қонунчиликда ёзиб қўйилган. Уни фақат ўз вақтида тушунтириб берадиган одам керак.



Одил СОДИҚОВ, Денов туманидаги “Кенагас”, “Лўпон”, “Минор” ва “Зарафшон” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маҳалладаги навбатдаги ўрганишлар давомида хусусий ўқув марказларининг фаолияти кўздан кечирилди. Ташқаридан қараганда, ҳаммаси жойида — синф хоналар тайёр, болалар дарс қиляпти, ота-оналар фарзандини олиб келмоқда. Аммо ҳужжатлар ўрганилганда, бошқа манзара юзага чиқди. Марказ фаолияти қонуний, тегишли лицензияга эга, бироқ раҳбар бир неча йилдан бери ўзига тегишли солиқ имтиёзларидан умуман фойдаланмай келади.

Бунинг оқибатида ҳар ой ортиқча харажат қилинар, молиявий юк эса тобора ошиб борарди. Вазият шу даражага етганки, ўқитувчилар сонини қисқартириш, айрим гуруҳларни ёпиш, ҳатто марказ фаолиятини тўхтатиш ҳақида ҳам ўйлай бошлашган. Ҳужжатлар яна бир бор синчиклаб кўриб чиқилди. Муаммо қарздорликда ҳам, ноқонуний фаолиятда ҳам эмас эди. Муаммо оддийгина маълумот етишмаслигидан келиб чиққанди.

Суҳбат давомида Солиқ кодексида таълим фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун назарда тутилган имтиёзлар тушунтирилди. Агар ўқув маркази тегишли лицензия ёки тасдиқномага эга бўлса ҳамда бино ва ер участкаси бевосита таълим жараёнида фойдаланилаётган бўлса, қатор енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жумладан, таълим хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Таълим учун фойдаланилаётган мол-мулк, ер участкалари ер солиғидан озод қилинади. Фаолият ижтимоий соҳа мезонларига мос келган ҳолларда эса фойда солиғи бўйича “0” фоизлик ставка қўлланилиши мумкин. Шу пайтгача буларнинг бирортаси амалда қўлланмагани марказ раҳбари Рустам Рўзиқуловнинг ўзини ҳам ҳайратга солди. *“Агар буларни олдинроқ билганимда, дарс нархини ошириш ҳақида ўйламасдим”*, **— деди у афсус билан.**

Бу ҳолат маҳалладаги бошқа тадбиркорлар учун ҳам сабоқ бўлди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳудуддаги нодавлат таълим муассасалари вакиллари йиғилиб, уларга Солиқ кодексидаги имтиёзлар батафсил тушунтирилди. Учрашув давомида кўпчилик ўз фаолиятида айнан шу каби хатоларга йўл қўяётганини тан олди. Кимдир ҚҚС бўйича, бошқаси мол-мулк ёки ер солиғи бўйича имтиёз мавжудлигини умуман билмас экан.

Маҳаллада ишлаш фақат муаммони аниқлаш эмас, унинг илдизига қадар тушиш экан. Баъзан битта тушунтириш ўнлаб ҳужжатлардан кўра кўпроқ натижа беради. Чунки қонунни билган тадбиркор ишини кенгайтиради, янги иш ўрни яратади, энг муҳими, болалар таълим оладиган маскан фаолиятини сақлаб қолади.

Солиқ ходимининг маҳалладаги вазифаси фақат назорат қилиш билан тугамайди. *Қонунда мавжуд имкониятни одамга етказиш, имтиёздан фойдаланиш тартибини тушунтириш ҳам хизматнинг муҳим қисмидир. Шунда қонун қоғоздаги меъёр бўлиб қолмайди, маҳалладаги тадбиркорнинг ривожига, болаларнинг таълим олишига ва оилаларнинг эртанги кунга ишончига хизмат қилади.*

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БАНКДАГИ ОМОНАТДАН ҲАМ СОЛИҚ ОЛИНАДИМИ?

Кўпчилик пулини банкка қўйганида бир нарсани ўйлайди: “Ҳеч бўлмаса, инфляцияда қадри йўқолиб кетмасин, озроқ бўлса ҳам фойда кўрай”. Айнан шунинг учун ҳам омонатга йиллар давомида энг хавфсиз жамғарма воситаси сифатида қараб келинди. Чунки банк берган фоиз даромади шу кунгача солиққа тортилмас эди.



Достон АҲРОРОВ, журналист.

Энди бу тартиб ўзгариши мумкин. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фискал таҳлиллар институти банк омонатларидан олинадиган фоиз даромадларини ҳам дивидендлар қатори 5 фоизлик даромад солиғига тортишни таклиф қилди. Агар бу ташаббус қонунчиликда акс этса, 1998 йилдан буён амал қилиб келаётган имтиёз бекор қилинади.

Бу янгиликни эшитган одамнинг биринчи саволи табиий: *“Банкка пул қўйганим учун ҳам солиқ тўлайманми?”* Аслида, гап айнан омонатнинг ўзидан эмас, ундан олинган даромаддан кетмоқда. Масалан, фуқаро банкка 200 миллион сўмни бир йилга 20 фоиз ставкада қўйди. Йил охирида у 40 миллион сўм фоиз даромад олади. Ҳозирги тартиб бўйича бу 40 миллион сўм тўлиқ омонатчининг ўзида қолади. Янги таклиф қабул қилинса, шу даромаднинг 5 фоизи, яъни 2 миллион сўми солиқ сифатида ушлаб қолинади. Натижада фуқаро 38 миллион сўм соф даромад олади. Демак, асосий омонатга ҳеч ким тегмайди. Солиқ фақат фоиздан олинади.

Хўш, нега бундай таклиф илгари суриляпти? Мутахассисларнинг фикрича, бугунги тизимда турли пассив даромадларга турлича ёндашув мавжуд. Масалан, акциядан олинадиган дивиденд даромади 5 фоиз солиқ тўлайди. Уйини ижарага берган фуқаро одатда 12 фоизлик ставка бўйича солиқ тўлайди. Аммо банк омонатидан олинган фоиз даромади умуман солиққа тортилмайди. Фискал таҳлиллар институти айнан мана шу тафовутни бартараф этишни таклиф қилмоқда. Уларнинг фикрича, даромаднинг тури ҳар хил бўлса-да, моҳиятан барчаси пассив даромад ҳисобланади ва уларга бир хил ёндашув бўлиши керак.

Таклиф муаллифлари халқаро тажрибани ҳам мисол қилмоқда. Қозоғистон, Озарбайжон ва Ҳиндистонда омонат фоизларидан 10 фоиз, Таиландда 15 фоиз, Индонезияда 20 фоиз, Германияда 26,4 фоиз, Туркияда эса 15 фоиздан 40 фоизгача солиқ ундирилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистонда таклиф қилинаётган 5 фоизлик ставка нисбатан паст кўринади.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Одамлар банкка пулини шунчаки фойда орттириш учун эмас, уни хавфсиз сақлаш учун ҳам олиб боради. Айниқса, бугунги иқтисодий шароитда кўпчилик оилалар жамғармасини банк омонатларида сақлашни афзал кўряпти. Агар омонатдан олинадиган соф даромад камаядиган бўлса, айрим фуқаролар пулини банкдан олиб чиқиши ёки бошқа йўналишларга йўналтириши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса банк тизимидаги депозитлар ҳажмига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, мутахассислар давлат манфаатини ҳам асос сифатида келтирмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари 170,2 триллион сўмни ташкил этади. Ўртача фоиз ставкаси 16 фоиз деб олинган ҳолда, 5 фоизлик солиқ жорий қилинса, давлат бюджетига йилига қарийб 1,4 триллион сўм қўшимча маблағ тушиши мумкин. Бу эса инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш ёки бошқа ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун қўшимча манба бўлиши айтилмоқда.

Демак, бу таклиф фақат солиқ масаласи эмас. **Бу — давлат бюджетини тўлдириш билан аҳолини жамғаришга рағбатлантириш ўртасидаги нозик мувозанат масаласидир.** Бир томонда бюджетга қўшимча даромад ва солиқ тизимида тенглик тамойили турибди. Иккинчи томонда эса одамларнинг банк тизимига бўлган ишончи ва жамғарма қилишга бўлган қизиқиши мавжуд.

Ҳозирча бу фақат таклиф. *Уни амалга ошириш учун Солиқ кодексининг 381-моддасига ўзгартириш киритилиши керак. Яъни ҳозирча банк омонатларидан фоиз олаётган фуқаролар учун амалдаги тартиб сақланиб қолмоқда. Агар бу ўзгариш қабул қилинса, энди банк омонати нафақат қанча фойда бериши, балки ўша фойданинг қанча қисми қўлда қолиши билан ҳам баҳоланадиган давр бошланади.*

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ РАҒБАТИ ИККИ ШАРТ БИЛАН БЕРИЛАДИ...

Сабриддин ДОНИЁРОВ. Фарғона вилояти:

— Корхонамга 27 ёшли йигитни ишга олмоқчиман. Эшитишимча, ёш ходимлар учун ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланган экан. Шу имтиёз барча тадбиркорларга тегишлими ёки фақат айрим корхоналаргагина қўлланадими?



Мақсуд МАМАТХОНОВ, Фарғона вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Агар сиз фаолиятингизни чакана савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, компютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ёки ветеринария хизматлари, шунингдек кўнгилочар марказлар йўналишларидан бирида амалга оширсангиз, 2028 йил 1 январгача 30 ёшдан ошмаган ходимларингиз учун ижтимоий солиқни 1 фоизлик ставкада тўлаш ҳуқуқига эга бўлишингиз мумкин.

Бироқ ушбу имтиёз тўғридан-тўғри қўлланилмайди. Бунинг учун бир вақтнинг ўзида иккита асосий шарт бажарилиши лозим. Биринчидан, ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг камида 2,5 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Иккинчидан, юқорида санаб ўтилган фаолият турларидан олинган даромад ҳисобот даври якунида корхонангиз жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этиши зарур.

Шунингдек, ходимлар сонини сунъий равишда камайтириш ёки яшириш ҳолатлари аниқланса, мазкур солиқ имтиёзи бекор қилинади. Шу сабабли имтиёздан фойдаланишда барча меҳнат муносабатлари ва ҳисоботларни қонунчилик талабларига мувофиқ юритишингиз тавсия этилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



КЎЧМА САВДО УЧУН ГУВОҲНОМАНГИЗ БОРМИ?

Натижада фуқаролар ҳам, назорат қилувчи ташкилотлар ҳам ортиқча вақт сарфлайди, турли тушунмовчиликлар юзага келади. Шу каби ҳолатлар юзага келмаслиги учун “Кўчма савдо нуқталарига оид QR кодли гувоҳномани текшириш” интерактив хизматидан фойдаланиш кўчма савдо билан шуғулланишда анча қулайлик туғдиради.

Ушбу хизмат орқали тўғридан-тўғри ахборот тизимида рўйхатдан ўтган гувоҳноманинг ҳақиқийлигини бир неча дақиқада текшириш мумкин. Текширув натижасида гувоҳнома рақами, тадбиркорлик субъекти номи, савдо қилишга рухсат берилган манзил, гувоҳноманинг берилган санаси, СТИР ёки ЖШШИР, савдо объектининг жойлашуви, ихтисослашуви, фаолият муддати ҳамда бошқа муҳим маълумотлар экранда акс этади.

Бу хизматнинг асосий афзаллиги шундаки, тадбиркор ҳам, мутасадди ташкилот ходими ҳам, зарурат туғилганда, фуқаро ҳам гувоҳноманинг ҳақиқийлигини мустақил текшириши мумкин. Бу эса қалбаки ёки нотўғри маълумотлардан фойдаланишнинг олдини олади, ноқонуний савдо ҳолатларини камайтиради ҳамда кўчма савдо фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.



Ўзбекистон ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЕТАРЛИ ДАРАЖАСИ таъминланган 49 та давлат рўйхатини тасдиқлади.



Йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун автомобилларни ОЛТИ ОЙДАН БИР ЙИЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТГА вақтинча олиб қўйиш таклиф этилди.



Тошкентда АВТОМОБИЛНИ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲАР БИР КИЛОМЕТРИ УЧУН БҲМнинг 20 фоизи миқдорида ҳақ ундирилади.

Mahalla №63

2026 ЙИЛ
8 АВГУСТ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШДА “БУ МЕНИНГ ИШИМ ЭМАС”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙЎҚ

“...Ака, илтимос, тезроқ келинг, дадам ойимни уряпти!” Телефон гўшагидан янграган ёш болакайнинг ваҳимали ва йиғи аралаш овози тунги сукунатни бузиб юборди. Ҳеч қандай иккиланишсиз воқеа жойига шошилдим. Борсам, уй тўполон, ичкилик таъсиридаги эр аёлига таҳдид қилаётган экан. Вазиятни жиловлагунча ўтган бир неча сония фаолиятимдаги энг узун вақтга айланди. Агар ўша тунда 5 дақиқага кечикканимизда, кўнгилсизлик содир бўларди...

Элдорбек АКБАРОВ,
Наманган туманидаги “Катта Тошбулоқ” маҳалласи профилактика инспектори.

Англаганингиздек, **ҳар қандай вазиятда огоҳлик муҳим ўрин тутади.** Вақтида кўрилган чора эҳтимолий жиноятнинг олдини олди. Профилактика инспектори сифатида фаолиятимни “еттилик” ходимлари билан биргаликда илмий тажрибалар асосида ташкил этяпман. Илгари маҳалладаги юзлаб хонадонларнинг муаммосини ёлғиз ўзим ҳал қилишимга тўғри келарди. Бугун ёнимда катта бир жамоа турибди.

Биз ҳудуддаги криминоген вазиятни илмий асосда таҳлил қилиб, ҳар бир нотинч ва низоли оилаларнинг аниқ рўйхатини шакллантирганмиз. Хизмат хонамда шунчаки ўтирмайман, иш вақтимнинг ярмини “хонадонбай” ўрганишга сарфлайман. Бу ўз самарасини бермоқда. Муаммонинг асл сабаблари аниқланиб, ҳал этиляпти.

Агар оиладаги жанжалга ишсизлик сабаб бўлаётган бўлса, ҳоким ёрдамчиси орқали ишлаш иштиёқи бор аёллар ёки ёшларни дарҳол ишга жойлаштиряпмиз.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Оилада руҳий ёки ҳуқуқий босим кузатилса, ички ишлар ходими ва психологлар билан биргаликда манзилли ёрдам кўрсатяпмиз.

Айримлар “буларнинг бари фақат қоғозда, амалда ҳеч иш қилинмайди”, деб ўйлаши мумкин. Аммо биз олиб бораётган медиация, яъни низоли оилаларни яраштириш комиссияси билан ҳамкорликдаги ишларимиз аниқ рақамларда ўз аксини топмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ажралиш ёқасига келиб қолган иккита оиланинг ижтимоий муҳити тўлиқ ўрганилди. Узоқ давом этган тушунтириш ва қўллаб-қувватлаш ишларидан сўнг уларни яраштиришга эришдик. Энг қувонарлиси, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳалламизда бирорта бундай ҳолат аниқланмади.

Маҳаллада хавфсиз муҳит яратишнинг янги миллий ва хорижий тизимларини жорий этяпмиз. Жумладан, замонавий рақамли технологиялардан унумли фойдаланяпмиз. “Ақлли маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” концепциялари доирасида кузатув камералари ва ситуацион марказлар иш бошлади. Бу жараёнда гавжум масканлар, қоронғу кўчалар доимий назоратга олинди. Хилват ва хавф эҳтимоли юқори бўлган жойларда ўрнатилган чақирув тугмалари орқали фуқаролар 10 дақиқадан кам вақт ичида Миллий гвардия ёки ИИБ тезкор гуруҳларини ёрдамга чақиришлари мумкин бўляпти. Шу каби чора-тадбирлар натижасида маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.

Бундай амалий ишлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилаётган ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Ҳар бир фуқаро тунда ўз уйида хотиржам ухлаб, кўчага чиққанда эса ўзини мутлақо хавфсиз ҳис қиляпти.

...Кун ботиб, маҳаллага қоронғулик чўккан маҳал қўшни ҳовлидан аёл кишининг йиғиси ва болаларнинг чинқирган овози эшитилди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Камолиддин ЮСУПОВ. Мирзачўл тумани:

— Хорижий давлатда доимий яшовчи шахс неча йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши мумкин?

ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ФУҚАРОЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИНАДИ?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга асосан, чет элда доимий яшовчи фуқаро 7 йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса, фуқаролиги йўқотилиши мумкин.



Агар шу муддат ичида консуллик ҳисобида туролмаганига жиддий ва асосли сабаблар*(масалан, оғир касаллик, табиий офатлар, уруш ёки хорижий давлатда ҳужжатларнинг узоқ муддат кўриб чиқилиши каби ҳолатлар)*ни расмий ҳужжатлар билан тақдим этса, бу муддат узрли деб топилади ва фуқаролик сақлаб қолинади.

ЛОҚАЙДЛИК — ЖИНОЯТГА ШЕРИКЛИКДИР

МУЛОҲАЗА



Кўчадаги ўткинчилар тўхтаб, бир-бирига қараради-да, “Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, оилавий ишга аралашиб нима қилдик”, дея тез-тез юриб ўтиб кетишди. Ҳеч ким инспекторга қўнғироқ қилмади, ҳеч ким дарвозани тақиллатиб, жанжални тўхтатишга уринмади. Эртасига эрталаб эса маҳаллага даҳшатли хабар тарқалди. Ўша хонадондаги маиший низо қотиллик билан якунланган эди. Энди ҳамма бошини сарак-сарак қилиб, “маҳалла инспектори қаерга қарарди?”, деган саволни берарди...

Аммо, келинг, ҳаққоний ва аччиқ бир саволга жавоб излайлик. Ўша тунда қўшнининг уйидан келган овозни, дод-войни эшитиб, эшитмасликка олган, юзини буриб ўтиб кетган биз — маҳалла аҳлининг бепарволиги, аслида, шу жиноятга йўл очиб бермадимми?

Кўпинча тинчимиз бузилса ёки бирор кўнгилсизлик содир бўлса, “Инспектор қаерга қараяпти?”, деган саволлар билан уни айблаймиз. Ваҳоланки, ходим ҳам оддий инсон. Юзлаб хонадонларнинг ҳар бирида нима бўлаётганини аҳолининг кўмагисиз била олмайди.

Ҳуқуқ-тартибот органларининг таҳлилларига кўра, содир этилаётган маиший жиноятлар, ўғрилик ва безорилик ҳолатларининг қарийб 70-80 фоизи аҳоли кўз ўнгида шаклланади. Аммо “менга тегмаган илон минг йил яшасин”, қабилида иш тутиш, бўлажак жиноятчига берилган энг катта имкониятдир. Аксинча, ҳар биримиз дахлдорлик туйғуси билан яшасак, хавфсизлигимиз кафолатланади.

Масалан, кўчамизда бир неча кундан бери бемақсад юрган, шубҳали бегона шахсни кўриб, индамай ўтиб кетмаслик, ундан кимлигини сўраш ёки инспекторга хабар бериш оддий, лекин зарур ҳаракатдир. Ёки қўшни хонадондаги доимий ичкиликбозлик, вояга етмаган болаларнинг тунги вақтда кўчада бемақсад юриши, оиладаги зўравонликка “бу менинг оилам эмас”, деб қарамаслик ҳам сизу бизнинг лоқайд эмаслигимизни кўрсатади. Бундан ташқари, кўнгилсиз вазиятда тезкор хабар бериш орқали ҳам кимнингдир ҳаётини асраб қолиш, ўғриликнинг олдини олиш мумкин.



Хулоса шуки, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни сақлаш — фақатгина ходимнинг вазифаси эмас, умумий масъулиятимиздир. Хавфсиз маҳалла аҳоли ва ички ишлар ходимининг ўзаро ишончи асосига қурилади. Тинчлик — сотиб олинадиган маҳсулот эмас, уни барчамиз биргаликда яратамиз ва асраймиз.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820